HUDUDGAZTA'MINOT
HGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш**

**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "24" январ 15/2-12 сон Бустон шаҳри
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Элликқалъа Халқ қабулхонаси (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Туман Ҳокими С. С. Авезов бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил "05" Январь да берилган 03-19-03/33 сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз" (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари О. Абдиганов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 11581,4 куб.м, нархи 7511724 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак 11381,4 минг.м3. январь 8038, февраль 2281,80 март 1060,60
II чорак ______ минг.м3. апрель ______, май ______, июнь ______,
III чорак ______ минг.м3. июль ______, август ______, сентябрь ______.
IV чорак ______ Минг м3. октябрь ______, ноябрь ______, декабрь ______.